

**ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲЛАРИДА ФУНДАМЕНТАЛ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА  
SUNRAV BOOK EDITOR ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ****Мирзажоннова Сабохон Абжалиловна***Фаргона жамоатлиги тиббиёт институти ассистенти,***Хомидчонова Шахзода***Фаргона жамоатлиги тиббиёт институти ассистенти*

**Ишнинг долзарблиги:** Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, сўнги йиллардаги таълимни ривожлантириш, олий таълим муассасаларини моддий техник базасини яхшилаш, дунёнинг топ 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларини сонини орттириш вазифаларини амалга амалга ошириш.

**Ишнинг мақсади:** Ҳозирги кунда бутун дунёда глобал муаммоларга сабаб бўлаётган ижтимоий экологик оғир вазият, турли касалликларни келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлаётган озиқ моддаларнинг сифат таркибининг пасайиши кабилар ҳақида мавжуд анъанавий дарсликлар ичида тиббиётга бағишланган электрон дарсликлар, тест ҳамда кўргазмалиликни оширувчи кўшимча воситалар яратиш, унинг қолганларидан фарқли равишда маълум маънода динамик ҳамда назорат саволлари, назорат тестларига эга ўқув воситаси кўринишига келтириш.

**Тадқиқот объекти** - Ушбу мавзуни дарс жараёнида қўлланиладиган ахборот комуникацион технологияларидан фойдаланиш ва ўқув мақсадли электрон воситалар яратиш.

**Тадқиқот предмети** - шу ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий инновацион технологиялар, усуллар ва воситалар.

**Ишнинг аҳамияти** – Тиббиёт талимида ушбу инфекциянинг долзарб муаммоларини ўрганишда ўқув-билим олиш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида кейс технологиясидан фойдаланиш таълим жараёни самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Модулнинг ўқув материалига қизиқишни уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида актив ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларнинг вазифалари ҳисобланади. Бу тамойил, ўқитишни индивидуаллаштиришнинг асоси булиб, ҳизмат қилади.

Ҳозирги вақтда таълим жараёни самарадорлигини оширишда замонавий инновацион технологияларнинг ўрнини ўрганиш. Барча учун ушбу мавзунини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган илғор инновацион технологиялари ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Талабаларга мавзунини ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган инновацион технологияларни танлаш кабилар олий таълим ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардандир.

Давлат ва ташкилотлар учун замонавий технологиялар эмас, балки фуқаро ва ходимларнинг интеллектуал билим даражаси ва тажрибаси муҳим саналади. Лекин, технологиялар ва бизнес юритиш усулларининг шиддатли ривожланиши билимларни доимий янгилаб туриш эҳтиёжини туғдиради. Бу эса доимий ўқув жараёнини талаб қилади. Буни амалга ошириш вақтнинг чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда иқтисодий томондан анча қийин масала ҳисобланади.

Республикада таълим муассасаларига янги ахборот технологияларини киритиш, янги усул ва воситалар билан жумладан, Интернетдан фойдаланиб ахборотлар излаш, электрон алоқалар билан танишиш ва масофадан туриб ўқитиш, электронлаштирилган форум, чат ва анжуманлар ўтказиш, электрон дасрлик ҳамда ўқув қўлланмалар яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашга қаратилган тадбирларлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатнинг истиқболлини ривожлантиришда илмий салоҳият ресурсларини ташкил этувчи иқтидорли ёш кадрлар ва илмий ходимлар катта аҳамият касб этади. Шунинг учун уларга замонавий ахборот технологиялари сирларини очиб бериш ва уларнинг усул ҳамда воситаларини ўқув-тарбия жараёнида қўллашга доир билимларини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Sunrav Book EDITOR дастури Мультимедиали электрон ўқув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичида юқори рейтингга эга бўлганларидан ҳисобланади.

Sunrav Book Free дастури .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (.SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури ҳисобланади.

Дастур орқали фойдаланувчилар Flash-ролиқлар ва YouTube-видео ресурсларни PowerPoint тақдимот слайдларига жойлаштиришлари мумкин.

Хусусан:

- Яратиладиган электрон ўқув контентларни SCORM ва TinCan тизимларга ўтказиш имкониятини беради, бу эса ихтиёрий LMS (Learning management system) билан интеграциялаштириш мумкиндегани;
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳажмини 97% гача сиқиш имконияти мавжуд;
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳимояланишини таъминлайди;
- Sunrav Book Free дастури мутлоқ текин ҳисобланади.

Sunrav Book Free дастуридан ташқари имконияти кўпроқ бўлган Sunrav Book Suite дастури ҳам мавжуд бўлиб, бу дастур орқали юқори даражада сифатли электрон ўқув контентни яратиш мумкин.

Sunrav Book Suite асбоб ускуналари орқали (QuizMaker, Sunrav Book Visuals, Sunrav Book DialogTrainer) электрон дарсликлар, видеомануаллар, QuizMaker орқали электрон назорат тестлари, сўровномалар, Sunrav Book DialogTrainer - тармоқланган диалогли электрон курсларни ва онлайн- презентацияларни яратиш мумкин.

Республикамиз миқёсида тиббиёт таълим муассасаларига янги ахборот технологияларини киритиш, янги усул ва воситалар билан жумладан, Интернетдан фойдаланиб ахборотлар излаш, электрон алоқалар билан танишиш ва масофадан туриб ўқитиш, электрон дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлар кенг амалга оширилмоқда.

Электрон муҳитида таълим жараёнини олиб боришда ўқув курслари танлови муваффақиятнинг асосий омили ҳисобланади, шунинг учун тиббиёт электрон кутубхоналарида бундай электрон воситаларнинг мавжудлиги каттааҳамиятга эга.

Бундай электрон воситаларнинг истиқболлари кенг. Чунки электрон дарсликни янада ривожлантириш, мультимедия воситаларидан кенг фойдаланиб, унинг ўқувчига нафақат матн кўринишидаги балки дастурий асосдаги, видео, аудио воситаларидан фойдаланиб, динамик ўқув қўлланма кўринишида тақдим этиш мумкин. Айниқса тиббиёт соҳасидаги қон ва қон айланиш, юрак ва қон томирлар системаси, сезги органлари физиологияси ва бошқа мавзуларни ўрганишда ёрқин рангли аниқ тушунарли графиклар ва жараённинг бориши ва бошқарилиши кабиларни талабалар онгига сингдиришда бу омиллар жуда самарали хизмат қилади.

Бундан ташқари мавжуд электрон дарсликнинг ҳам билим бериш, ҳам назорат қилиш, ҳам мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришидан келиб чиқадиган бўлсак, уни мукамаллаштирган ҳолда масофавий таълим тизимини ташкиллиштириш имкониятларига эга бўламиз. Бунинг учун, албатта, масофавий назорат қисмлари, администраторлик, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар маълумотлар базаси, шунингдек таълим бериш, баҳолаш тизимларини қўшиш керак бўлади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, яратилган электрон воситалар ва дарслик билим берувчи, уни ўзлаштирилишига қўмаклашувчи ҳамда ўзлаштириш даражасини текшириш имконини яратувчи кичик таълим тизими сифатида намоён бўлмоқда.

Умумий хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, электрон воситаларнинг яратилиш ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиниши таълим самарадорлигини оширади. Улар ҳозирги кунда тиббиёт фанларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга касб этади. Ўқув жараёнида Sunrav Book EDITOR дастури ёрдамида тайёрланган электрон қўлланмадан фойдаланиш дарснинг кўргазмалилигини таъминлайди ва бу эса дарснинг сифатини оширади.

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент: Ўзбекистон 2019.
2. Арипов А.Н, Мирзахидов Х.М, Шерматов Ш.Х ва бошқалар. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялар. Умумий тушунчалар. Умумжаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари. –Т.: Фан ва технология, 2015 й.
3. Культин М.Б. Программирование в Turbo Pascal и Delphi, Санкт-Петербург, 2012 г.
4. ActionScript для Flash MX. Подробнее руководство, 2-е издание. Колин Мух. 2014 г. Символ-Плюс.
5. Лутфуллаев М.Х. Масофадан ўқитиш тизимида мультимедиали электрон дарсликлар структураси // Масофадан ўқитиш техника ва технологияси халқаро илмийкамалий конференцияси маърузалар тўплами. Тошкент, 2012 йил, 13-14 май.
6. ICT Trends in CIS Internation telecommunication union, Telecommunication development bureau July 2018.
7. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.
8. Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников, методы и технологии их создания.// Материалы респ. науч.- конф. – Ташкент, 2004.- С.62-63.
9. Мирзажоннова С.А. //Значение фундаментальных наук в медицине//Science and innovation. -2022. –vol 1. –p 161-164
10. Raxmanovna Parpiyeva, O., & Odilovna Djalalidinova, O. (2022). TIBBIY TA'LIMDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(3), 547-551.
11. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Melikuzieva Zulhumor Sherqozi qizi, Abdullaeva Umidahon Uktamjon qizi //INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES, THEIR NATURE, TYPES AND THEORETICAL FUNDAMENTALS// Texas Journal of Multidisciplinary Studies. Vol. 9. 06-2022. 123-126 pages.
12. Parpieva Odinakhan Rakhmanovna, & Isaeva Zera Tairovna. (2023). INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES TYPES. *Scientific Impulse*, 1(10), 950-955.
13. Eleonora Topvoldievna Mirzajonova, Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva //Modern Special Preschool Education: Problems and Solutions// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. Vol. 9. 06-2022. 100-106 pages.

14. Umarmuklov M.I., Mirzajonova S.A., Isroilova M.I. //The role of the liver in digestion. The process of fire formation// JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume – 6. Issue-8. Iyun 2022. 118-120 pages.

15. Mirzajonova S.A.I., Umarmuklov M.I., Mamadaliyev B.B. //EFFECTS OF HEAVY METAL SALTS ON SOME IMPORTANT ORGANS// Journal of new century innovations. Vol. 6 No. 8 (2022). Iyun 2022. 125-128 pages.

16. Мирзажонова Сабохон Абджалиловна //ЗНАЧЕНИЕ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ НАУК В МЕДИЦИНЕ// SCIENCE AND INNOVATION. VOLUME 1. ISSUE 8. 161-164.

17. Abjalilovna , M. S. (2022). Amounts of Lead Salts Dispersion from Heavy Metal Salts. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(2), 120-124.

18. Mirzajonova Saboxon Abjalilovna //Amounts of Lead Salts Dispersion from Heavy Metal Salts// Central Asian Journal of Medical and Natural Science. Volume: 03. Issue: 02 | Mar-Apr 2022. 120-124

19. Шахзода Хасанзода //АНТИОКСИДАНТНАЯ АКТИВНОСТЬ ОТДЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ БАД - Вурак-shifo// Международный научный журнал «Научный импульс» № 4(100), часть 2. Ноябрь, 2022 стр 29-36.

20. S.H.Homidchonova, N.A.Mahmudova //Bioecological and physiologicalbiochemical features of cassoaks (*Lemnaceae*) in culture// Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. 10-11-2022. 27-31 pages.

21. Хомидчонова Шахзода Хасанзода //ДЕЙСТВИЕ АЛКАЛОИДОВ ВЫДЕЛЕННЫЕ ИЗ РАСТЕНИЙ ACONITUM TALASSICUM ИХ ВЛИНИЕ НА СОКРАТИТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ НА ГЛАДКИХ МЫШЦ АОРТЫ КРЫСЫ// International Journal of Education, Social Science Humanities, FARS Publishers. Volume-11 | Issue-1 | 2023. 73-79 page

22. Хомидчонова Шахзода Хасанзода. (2023). БЕТА-ТАЛАССЕМИЯ МУАМОЛАРИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(9), 348-356.

23. Khomidchonova Sh.Kh., Ibragimova Z.J., Olimov I.Kh. //INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN// Journal of Pharmaceutical Negative Results. Volume 14. Regular Issue 02. 2023. 2749-2754